

Qishloq Hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 112 (6.949). Sotuvda erkin narxda

БУГУНГИ СОНДА:




Лизингга 1000 - трактор

(3-сахифада)

Ўзинг менинг улуғлардан улуғимсан...

(1,2-сахифаларда)



Меҳри оғтобдаё

(1,4-сахифаларда)

Ҳалокатнинг шарпаси

Мудҳиш

Мавзуга қайтиб

Тожикистондаги алюминий заводнинг атроф-муҳитга, инсонлар саломатлигига келтирилган зарарию захари ҳақида авваллари ҳам газетамизда кўп бор ёзилган эди. Чунки ушбу алюминий заводнинг ишлаб чиқариш қўшмакорлари корхона жойлашган ҳудуд ва юртимизнинг унга туташ Сурхондарё вилояти чегара туманларида экологик тангликни келтириб чиқараётганини кўпчиликни ташвишлантираётганини ҳеч кимга сир эмас.

Яқинда Россиядаги бир қатор оммавий ахборот воситаларида Тожикистондаги мавжуд алюминий заводини кенгайтириш, шу билан бир қаторда янги алюминий заводи қуриш мўлжалланаётгани ҳақида хабарлар тарқатилди.

Хабарлардан маълум бўлишича, ушбу ишларга маблағни россиялик алюминий саноати корчалонларидан бири, миллиардер жаноб Олег Дерипаска ажратмоқчи экан.

Албатта, бу жаноб уддабунлик билан ўзининг бизнесини кенгайтириш ва шу ишларни амалга ошириш орқали жуда катта даромад топишни ният қилган. Агар Дерипасканинг янада бойиш режа-ниятга ўзгаларга зарар etkazилмай амалга оширилганда эди, тадбиркорга қаддинги ур, дейиш мумкин бўларди.

Афсуски, амалга оширилиши мўлжалланаётган бу режа катта бир минтақа атроф-муҳит экологисига, минглаб инсонлар саломатлигига салбий таъсир қўраётгани мумкин. Шунинг учун бу режа кўпчиликни ўйлантирмаддан, ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.

Бугун бу хусусда каттаю кичик гапираяпти. Оилавий гурунлардан тортиб йирик анжуманлар мавзуси-да қўшни давлатдаги завод келтирилган ва ҳамон келтирилган оғат бўлиб қолди. Чунки алюминий ишлаб чиқариш натижа-сида ҳавога чиқариладиган қўшмакор захарли чиқиндилар бусиз ҳам анча заифлашган минтақа экотизимини буз-моқда. Бу эса атроф-муҳит, шу жумладан, ўсимлик ва ҳай-вонот олами учун фожиали оқибатларга олиб келиб, аҳоли саломатлигига таъсир қилади.

Таъбир жоиз бўлса, бу оғат ўз қомига олган ҳудудларда кейинги вақтларда жонивор-лар 5-6 оёк, 3-4 қулқ билан дунёга келмоқда. Усимлик-

лар, дараклар, боғлар касал-ланиб, қуриб, қақшаб қолди. Кўз ўнгимизда жаннатмонанд макон бефайлашди. Осиёни ҳайратга солган, дунёга маш-хур Дашнобод азорларию мевалари мазасидан тил лол боғлари қуруқ ўтинорга ай-ланди. Қайси оғат уни хар-роб қилди? Алюмин заводининг захарли тутуню қуру-ми, албатта.

Айтиш лозимки, Мирзо Турсунзода шаҳридаги алю-миний "аждаҳоси" тожик хал-қининг ҳам, Ўзбек халқининг ҳам осмонига захар пурма-моқда. Икки халқ баб-баравар озор чекмоқда. Ундан кела-ётган миллиардлар эса икки жондош халқнинг соғлигини ўйламаётган корчалонлар-нинг чўнтагини қаппайтириб, кўзини ўйнатаётгани, бундан иштаҳалари яна қарнай бўлаётгани фоят таассуфли.

Азиз ШОЙМАРДОНОВ, Кумқўрғон туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси:

Заводдан чиқаётган захарли дудларнинг зарари, мана бир неча йилдирки, яққол сезилиб бормоқда. Энди бу захарнинг қамийиш ўрнига қўнайиш хавфи туғи-либди. Бу улкан, тузатиб бўлмас дардга айланиши мумкин. Бу қадам ўйлай-вериб, куйиб кетаман. Даҳшат эмасми бу? Термизда бир врач эндокринолог билан су-хбатлашганимда, битта альбом кўрсатди. Ҳаммаси сурат. Кўриб... мени кўрқув қол-ди. Суратларда янги туғилган болалар... Оғзи, бурни одам-нинг қўрғинишга ўхшамайдди. Қўрқасиз... Бунинг ҳаммаси-га алюминий заводнинг захарли тутунлари сабаб экан.

Ахир тасаввур қилинг, ёш йигит не-не умидлар билан илк фарзанди дунёга кели-шини кутса, хотинини туғ-руқонага олиб бориб, ширин хавотирда антикса-ю... одам ўхшамаган қачалоқ туғил-са... Эш она деворни мушт-лаб, дод солмайдими? Ота тош қотиб қолмайдими? Улар-нинг гуноҳи нима?

Завод зарарию захари билан боғлиқ вазият анча мурак-каб.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

15 сентябр кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурорнинг биринчи ўрин-босари Анвар Набиев мамлакатимиз ва хорижий ом-мавий ахборот воситалари вакиллари Бош проку-ратуранинг Андижон воқеалари юзасидан тергов ҳаракатларининг боришига оид баёноти билан та-ништирди.

Журналистларга тақдим этилган Андижон шаҳрида содир этилган ва одамларнинг қурбон бўлиши-га олиб келган террорчилик ҳаракатлари юзасидан қўзғати-лган жиноий иш материаллари бўйича маълумотлар тақдим этилди.

Жумладан, ушбу террорчилик ҳаракатлари ташқи бузғун-чи қучлар томонидан Ўзбекистоннинг мустақил сиёсати-га, унинг миллий манфаатларига қарши пухта режалаштирилган ва ташкил этилган хуруж бўлиб, мавжуд конституциявий ту-зумни ўзгартиришга қаратилгани таъкидланди.

Баёнотда қайд этилганидек, Андижон воқеаларининг таш-килотчилари пухта сценарий ишлаб чиққан. Бу сценарий қуролли гуруҳлар тузиш, уларни қурол-ярғор ва ўқ-дори билан таъминлашни ўз ичига олган. Шу мақсадда террорчилик ҳаракатларига тайёрларлик жойи сифатида Қирғизистоннинг жанубий вилоятлари танланган. У ерда хорижий инструктор-лар 70 нафар диний экстремистга қўпуровчилик-террорчи-лик усулларини ўргатган.

Журналистларга тақдим этилган материаллардан аён бў-ладики, Андижон воқеалари «сценарийчилари» мазкур ҳаракат-ларга «тинч фуқаролар қишлари», «кенг аҳоли оммаси на-моийиши» тусини беришни ва уларга қарши ҳўқумат қўшн-лари гўёки жанговар ҳаракатлар олиб бораётгандек манзара яратишни кўзлаган.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон, унинг ҳўқуматини жаҳон жамоатчилиги назарида обрўсизлантиришга қаратилган.

Айнан шу боис, террорчилик хуружи билан бир вақтин-нинг ўзида Ўзбекистонга қарши ахборот уруши ҳам тайёрланган. Шу мақсадда инсон ҳўқуқларини химоя қилувчи қатор хори-жий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва чет эл хай-рия жамоатларининг олдиндан хабардор қилинган вакилла-ри хали воқеалар бошланмасидан аввал 9, 10 май кунлари, қўпчилиги эса май ойининг биринчи кунларидаёқ Андижон-га чегарадош ҳудудларда тўплана бошлаганига журналист-ларнинг эътибори қаратилди.

Шунингдек, журналистларга террорчилик ҳаракатлари чо-ғида қанча одам ҳалок бўлгани маълум қилинди. Террорчи-лик ҳаракатлари оқибатида жами 187 киши ҳалок бўлган, улардан 60 нафари тинч аҳоли ҳамда 31 нафари ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва харбий хизматчи-лардир. Террорчилик қарши қўрилган тадбирлар давоми-да 94 террорчи йўқ қилинган.

Учрашувда матбуот вакиллари эътибори жиноий ишнинг 15 нафар ўта фаол иштирокчига оид қисми Олий судга қўриб чиқиш учун топширилгани, қолган 106 нафар айбланувчига нисбатан тергов ақнига етаётгани ва улар ҳам суд олдига жавоб беришига қаратилди.

(ЎЗА)

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Кўшимиз қизини узатар бўлди-ю, тоға-синикига маслаҳат қил-гани чиқди, - деб қолди бир танишим.

Уч юз кишилик... фотиҳа «тўйи»

— Қуда томон фотиҳа тўйини созандали қил-сангиз ҳам майли, дебди. Шунга маслаҳатингизни олгани келдим, — деди у тоғасига.

— Биринчи қиз узати-шинг, — дея гап бошлади тоға андак сукут сақлаб.

— Обрў оламан десанг, созандали қил. Чўнтагин-дан сарфламайсан. Ундан ташқари, фотиҳа тўйини кечқурун ўтказ. Куннинг иссиғида арокни ким ича-ди?

Тоғанинг гапидан ҳул-са чиқарган қўшим фоти-ҳа тўйини шанба оқшо-мига белгилади. Кўев та-рафнинг елиб-югуришлари уч юз кишилик дасту-рхонини тузади. Давра аҳли жамул-жам бўлиб, шарқона наво билан фоти-ҳа тўйи бошланди. Бир неча табрикдан сўнг шўх, ўйноқи куйлар чалиндию қуда томонини қизу жу-вонлари рақсга тушиб, даврани безадди. Шира-қил рақсга навонинг ноласими, пулининг жило-сига ўйнади. Бири 200, бошқаси 500 талик кўтарган йигитлар қийқи-риғи, нозаниннинг нозини, хурмача қилиқларини қўпайтирди.

Фотиҳа тўйи охирида, одамлар бирин-кетин ўринларидан жилишди. Қизик, дастурхон ёзилдию аммо икки ёшининг бир-бирига унаштирилганли-ги ҳақидаги фотиҳа ўқил-мади. Шу гапни эиёли бир кишлоқдошимизга айтган эдик, «Кўяверинг, ёшу қари ичиб олган. Арок ичиб, фотиҳа ўқил-майди-ку» деб қўйди.

Чиндан ҳам арок ичиб, ёшлар бахти уроч фотиҳа ўқиш урф-одатларимизга ёт ҳол. Унда бу қандай тўй бўлди? Фотиҳа маъра-қасини уч-тўрт қария иш-тироқда ўтказишга маъ-қул эмасмиди? Қерақис сарф-харажат аслида шартмиди? Сиз бунга нима дейсиз?

Истам ИБРОХИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Пахта терими қандай бормоқда?

3 миллион 600 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш аҳдидаги мамлакатимиз пахтакорлари йиғим-теримни тобора қизитмоқдалар. Кўпгина илгор фермерлар биринчи теримдаёқ шартномавий режани уदдалашмоқда.



Айниқса, Қорақалпоғистон Респуб-ликаси миришкорларининг бу йилги ҳаракатлари бўлакча. Улар қарвон-нинг бошида. Бир кунда шартнома-вий режадаги хомашёнинг салкам беш фоизи микдориди «оқ олтин»-ни йиғиб олишмоқда. Бугунга қадар қабул пунктларига келиб тушган

тонна қимматбахо хомашё топириш ниятидалар.

А. ИСКАНДАРОВ

Хоразм: Янгириқ туманидаги Қорақум барханлари ўрнида барпо қилинган Шароф Рашидов номи ширкат ҳўжалиги деҳқонлари 122 гектар майдон ҳисобидан давлатга шартномавий режадаги 244 тонна ўрнига 250 тонна пахта сотиб, вило-ятда биринчи бўлиб зафар марраси-га етдилар. Топширилган ҳўсининг барчаси 1-навага қабул қилинди.

Ширкат аъзолари яна қабул пун-ктига 200 тонна хом ашё топириш-га йли ҳўсиндорликни 350 тоннага ет-казиш мақсадида сўратни бўша-тирмаяптилар.

С. РАХИМОВ

Қорақалпоғистон: Кўнғирот ту-манининг Устўрт этакларида жой-лашган Унғарбой Қурбониевон но-ли бирлашма асосан шиличиликка иктиссос-лашган. Бу йил ҳўжа-ликда яхши ниятлар билан 455 гектарга чи-гит экилди. Қилинган муносиб пар-варши эвазига мўл ҳўсин етиштири-лди. Воҳада биринчилардан бўлиб йиғим-теримга киришилди. Натижа-да қисқа фурсатда 631 тонна ўрнига 700 тоннадан мўлроқ юқори навли пахта қабул шохобчаларига топи-рилиб, йиллик шартномавий режа баҳарилди.

Бирлашма пахтакорлари яна 500

Мустақиллик моҳияти

Уша кунни эрта уйғондим. Манзил томон борар экан-ман, Тўйчи бобо мендан-да эртароқ турганини, тонг шабадасида денгиздай шовуллатган теракзори ат-рофда парвона эканлигини кўрдим. Истиқлол билан тенгдош теракзорга боқаман. Бўйчан, заминга чуқур илдиз отган, танаси йўғон ва бақувват.

— 14 йиллик тераклар, — дейди қария першонасидаги мар-жондек терларни белбоғи билан арат экан, — 1991 йили пенсияга чиқиб, бир кун ҳам уйда ўтирганим йўқ. Янги замон бошланса-ю, одам тинч тура оладими? Ташландик ётган 5 гектар ерга терак қаламчаларини қадамим. Шу десанг, менга иш топилиди-қўйди. Ана, қара, қандай чиройли ўсган. Ниҳол ҳам фар-э қ а н.

АЙТИЛ ДЎСТИМ, НИМА ҚИЛДИК, ВАТАН УЧУН?

Янги пар-варини, те-вон ўсади. теракларига боқиб завқ туяди. Қилган меҳнати, саъй-ҳаракатларидан гурурланади. Тўғри, бундай теракзорни яратиш учун ҳафса-ла, чидам, бардош керак. Қария ўзида куч, ирода, сабр-бар-дош топа олди. Чарчаш, толиқиш, зеркиш нима, билмади. Тўйчи бобо қариган чоғида ҳексалик гаштини суриб ётса ҳам, пенсияси етарди.

Бу гапимни эшитиб у майин жилмайди ва деди:

—Эй болам-а, бу теракларни ҳамёнини ўйлаб эканман йўқ. Эл-юрт, одамлар учун қилдим. Улар баҳраманд бўлса, уй-жо қилди, тўй-у томошалар кўнайсиз дейман. Унлаб янги иморат қураётган ёшларга белул ёғоч бердим. Рости, ҳеч кимдан пул сўраётганим йўқ. Пулни нариги дунёга орқалаб кетаримдим?!

(Давоми 2-бетда)

Тўйғу

«Авалло, онангга ях-шилик қил, яна онангга ва яна онангга яхшилик қил, сўнг отангга яхши-лик қил».

Хадисдан.

Мунис, ҳокимор онагинам тонг сахар ўсма эзиб, келин-ларини уйғотди:

— Туринг, Нигорахон, Мах-фузахон, ўсма қўйиб олинг.

Мени ҳеч ким соғинмайди, онамдайин...

Агар гап-гаштак қилсалар ёки меҳмон келса ўзлари, 78 ёшли онам тандирда сомса, нон ёпадилар. Бир оғиз «Рах-мат, холажон» деган сўз учун маҳалладаги ёш болали ёки иш билан бўлиб ўрин-қўрпага қўли бўшамаган қўшининг бундай нарсаларини янгилаб, қавиб берадилар. Қайси дав-рага кирса доира чалиб, қўшиқ айтиб, аёлларнинг кўнглига баҳор олиб кириди.

Мен ота-онам иктиёри билан турмуш кўрдим. Келинлик либоси кийганимда онам: — Қизим, мен сени бир

Фарзандли бўлдик. Шунда онам:

— Болам, фарзанд масъу-лиятни оғир.

Нима эксанг, шуни ўрсан. Боланг етти ёшгача подшо бўлсин. Етти ёшдан ўн тўрт ёшгача қул каби муомала қил, уларни меҳнатга ўргат. Ўн тўртдан кейин сенга дўст бўла-ди.

Йиллар югуриқ. Келин ол-дим. Қайнона бўлдим.

— Жоним болам. Энди кел-лин олдинг.

(Давоми 4-бетда)

Қарз ўрнига номусми?..

Баҳорнинг сўнги кунлари. «Сўнги кўнғирок»нинг чалинишига ҳам унчалик кўп қолмаган. Шу боисми-кин, кўча-қўйда юрган барча ёшларнинг «ташвиш»и ўзига етарлидек. «Тошкент» гастрономи олдиндан ўтиб бораётган йигит-қизларнинг қувончли овозлари, қич-қириқлари оламни туттади.

Аммо гастроним қаршисида турган кекса ёшлардаги аёл-нинг авзойи бузуқ. Унинг ёнидаги ўзини икки-ўн уч ёшлар ма-сасидаги қизча эса олдинда ўзини нималар кутаётганидан беҳабар, атрофни хотиржам тарзда кузатмоқда.

Шу дам уларнинг шундоқ рўпарасида «Нексия» машинаси гийқиллаб тўхтади. Анчадан буён кимнидир кутаётгандек те-варак-атроф-нигоҳ таш-нининг чехраси чанинг елка-машина то-

— Кўзларимиз йўлингизга зор бўлди-ку, Ғайратжон, — деди у хўшомадона қулимсираб. — Йигит деганими шунча бўлади-ми?

— Паханини кўндириб чиқиб осон эканми? Кани, ўтиринг-лар.

Аёл ва қиз машинанинг орқа ўриндигига жойлашишга, Ғайратжон ортни кўрсатувчи кўзгудан қизчага синчковлик билан тикилди. Унинг бу боқиши худди молбозордаги дал-лолликни сингари совуқ ва ҳиссиз эди.

— Шуми Зулайхо?

— Худди ўзи-да, Ғайратжон, — бидирлай кетди аёл. — «Сиз-нинг даврингизда уйнаб олсам», дейди.

— Ишқилиб... охири баҳайр бўлармикин, Азиза опа? — йи-гит негадир талмовсиради. — Тагин бирон кори-ҳолни бош-лаб юрмайлик...

(Давоми 2-бетда)

Эҳтиром

самимий, дилдан суҳбатла-шиб ўтиришга одатланган Озод ака:

—Қодиржон, уйда ҳозир нима қиласиз. Қўклам бўлса, тоғнинг тоза ҳавосидан ҳам баҳраманд бўлайлик, — деди чин дилдан. Устознинг гапи амри вожиб. Етимтоғ бағри-га, булокли сойларнинг би-рига борадиган бўлдик. Шу

Кунлардан бир кун

Талабалар билан бўлган учрашув байрамга айланиб кетди.

Учрашув тугагандан сўнг Озод акани уйга тақлиф эт-дик. Расмиятчиликка тоқати йўқ, ортиқча дабдаларсиз,

(Давоми 4-бетда)

ХАЛҚ БАНКИ

СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Мингинчи трактор муборак!



жасида тежалган маблағнинг қолган қисмини ўзининг бошқа харажатларига ажратади. Шу тўғрисида МТП хизматларидан фойдаланиш эҳтиёжи камаюди ва унга тўланадиган маблағлар тежаллади.

Энг қулай томонларидан яна бири шундаки, 7 йил давомида ҳам техниканинг умумий қиймати ўзгармайди. Лизинг маржаси марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаслиги белгилангани боис, ҳозирда бу кўрсаткич йиллик 8 фоиздир. 2004 йили тўлов 12 фоизни ташкил этганини назарда тутадиган бўлсак, бу лизингга техника олганлар учун анча арзонлашганини ўзарамиз. Лизингдан солиқ тўлашда ҳам анча имтиёзлар бор. Яъни, лизинг тўловлари қўшимча қиймат солиғига тортилмайди, лизингдан фойдаланувчи лизинг объекти бўйича мулк солиғи тўламайди.

Ана шундай имтиёзлар боис бугунги кунда лизинг хизматидан фойдаланаётганлар кўпаймоқда. Масалан, Иштихондаги "Абдурахмон боё Худойбердиев", Пахтачидаги "Қамолот Мирқомил", Нарпайдаги "Мустақиллик" фермер хўжалиқлари лизингга трактор олиб, фойда қўришга, эндиликда тиркама ва бошқа қишлоқ хўжалиғи техникаларини лизинг асосида олишмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хуллас, "ЎзКейстрактор" қўша қорхонасида ишлаб чиқарилган ТТЗ-60-II, ТТЗ-80-II, МХМ-140 русумидаги тракторлардан 1000 тадан зиёдини ва бошқа турли техникаларни вилоятдаги фермер, ширкат хўжалиқларининг деҳқонларига етказиб берган "Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг"нинг Самарқанд филиали жамоаси биз сизга ҳамкор ва мададкоримиз дея қамшидан бўл боғлаб, хизматга шай бўлиб туришибди.

Мамадйёр ЗИЁДИНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири,
СУРАТДА: мингинчи трактор соҳибни Мусоқул Болтаев ва "Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг"нинг Самарқанд филиали директори Эшпўлат Алиқулов.

қўша, бир гектар майдонга 250 килограмм уруғ сарф этилади. Унинг парвариши учун эса 340 килограмм (сугориладиган ерларга) ўғит керак бўлар экан. Жумладан, фосфорли ва калийли ўғитлар уруғга тушмасдан бунинг берилиши лозим. Мутахассисларнинг сўзларига қара, бу юз фоиз амалга ошириляпти. Энди эътиборимизни яна уруғликка қаратасак. Ҳисоб-китоб қилинганда, белгиланган майдон учун жами 297,1 минг тонна уруғлик бугдой зарур. Шунча микдордаги уруғлик ҳозирлангани? Олинган маълумотга қараганда, уруғлик керакли микдорда жамғарилган. Мухими, сифатли уруғлик республикамизда, вилоятларнинг ўзларида етиштириляпти. Хусусан, Андижонда тайёрланган 71 минг тонна уруғлик вилоятларга тарқатилмоқда.

Кези келганда таъкидлаш керак, олдинлари уруғлик дон қатна маблағ ҳисобига четдан келтирилган эди. Мамлакатимизда галла мустақиллиги миллий Дастируни бажариш борасидаги комплекс ишлар изчиллик билан амалга оширилиши тўғрисида юқори сифатдаги уруғлик материаллари ўзимизда етиштириш йўлга қўйилди. Истеъмол донининг ҳам сифат кўрсаткичлари унинг микдори сингари йилдан-йилга ошиб бораётгани айна ҳақиқат. Буларнинг бари соҳада олиб борилаётган ислохотлар самараси, галлакорларимизнинг мислиси мекнатлари махсули, албатта. Бир мисол. Жорий йил кўпгина илгор фермерлар ҳар гектар ердан ўртача 60-70 центнердан дон тўқиди. Республикада галла хирмонининг эса 70 фоизи айнан уларнинг ҳиссасига тўри келди. Бу албатта юқорида таъкидланган урлик занжирига путир етмаганидан дарак.

Олинган тевкор маълумотларга қараганда, фермерларнинг келгуси йил ҳосилига қўшадиган улуши бундан ҳам юқори бўлиши кўталайти. Чунки ўтган йил айни мавсумда 73 минг 297 фермер кўши бугдой экан бўлса, шу кунларда ерга донга сояётган мулкдорларнинг сони 86 мингдан ошди кетди. Улар 850 минг гектардан зиёд майдонда галла парваришлаб, 3 миллион 700 минг тонна ҳосил қўришишни мўлжаллашмоқда.

Кўзи дон экиш ишларининг кўнгилдагидек боришида "Ўзагромушасервис" уюшмаси мутахассисларининг ҳам ҳиссаси бор. Улар томонидан мазкур тадбир учун 2405 та дон экиш сепкалари ва 3894 та мосламалари мавсумга шайлаб қўйилган. Ҳозирда улардан кенг қўламда фойдаланиляпти.

Халқимиз азал-азалдан ерга уруғ қаданини, айнакча, дон сепкини ўзгача руҳ билан бошлашди. Дастлаб кўпни кўрган нурунийлар фотиҳага қўл очиб, ҳосил мўли-қўл бўлишини яратгандан сўраганларича, илк уруғни ташлашди. Шундан сўнг иш қийинди. Негаки, бугун далаларга ташланаётган донга эртанги ризқ-ўзимиз, демократия номини эълонининг ҳар бир деҳқон яқши билади. Зеро, улар кўп бор таъкидланганларидек, олтин-кумуш тош бўлур, арпа-бугдой ош бўлур. Ошни ҳалоллаб емок эса эр йигитнинг иши.

Саид РАҲМОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

ЛИЗИНГ ХИЗМАТИ

лашни рағбатлантириш мақсадида "Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг" акциядорлик лизинг компаниясининг Самарқанд вилояти филиали яқинда мингинчи тракторни олиб келиб, эгасига топширди. Бунга Оқдарё туманидаги Б.С. "Нурли келажак" фермер хўжалиғи раиси Мусоқул Болтаев мушарраф бўлди.

Яна ҳам аниқроқ қилиб айтган бўлсак, бу компания ташкил бўлганидан бери лизинг асосида қайсидир вилоят 800, бошқа бирови 900 та трактор олган бўлса, Самарқанд вилоятида бу кўрсаткич республикада биринчи бўлиб 1000 тадан ошди.

— Бу лизинг дегани деҳқоннинг жони, ҳақиқий мададкори экан, — дея тўқилганини сўз бошлади мингинчи трактор соҳибни Мусоқул Болтаев. — Ортиқча югур-югур йўқ. Бирданга тўлашга пулим етмайди деган ваҳима йўқ. Икки кунда зарур ҳужжатлар тўғриланди. Учинчи кун лизингга тракторни олиб келиб беришди. Агар лизинг бўлмаганда бундай техниканинг пулини бир йўла тўлашга имкон қанда дейсиз? Энди эса ТТЗ-80-II русумли пулат отим билан иккитёримдаги 31 гектар ерда роҳат қилиб ишлайман.

Дарҳақиқат, "Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг" акциядорлик лизинг компаниясининг ташкил этилиши деҳқонлар учун ҳақиқий имкониятлар эшигини очди. Негаки, кўпчиликнинг асида бўлса керак, мустақиллигимизнинг

ҒАЛЛАЧИЛИК: Иш бошидан пухта бўлса...

бошқарма бошлиғи Шавкат Хусайнов, — уруғнинг униб чиқишига салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бу эса ўз навбатида нихолнинг тулланиши орқага сурди. Қўнат тулламай қишга кирдики, билаверинки, уларнинг маълум қисми нобуд бўлади. Гектарларда тўлиқ қўчат бўлишига эришмаслик, ҳосилдорликнинг пасайишига, дематки иқтисодий зарарга олиб келади. Кўрдингизми, биргина хато оқибатидан келиб чиқishi мумкин бўлган талофатни. Мана шунинг учун ҳам деҳқончиликда ишни пайсалга солиш асло мумкин эмас.

Шу маънода айтиш мумкинки, юртимиз галлакорларининг маъсулятиги мавсуми бошланди. Кўзги бошоқли дон экиш ишларига киришилди. Бу юмушни Президентимизнинг "2006 йил ҳосили учун кўзги бошоқли дон экишларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида қисқа фурсатларда, сифатли дона этиш чоралари кўриломоқда.

Маълумотларга қараганда, келгуси йил ҳосили учун республикамиз бўйича 1286 минг гектарда галла экилади. Шундан 203 минг гектарда лалми ерларда. Асосий майдонларда бугдойнинг "Крошк", "Полованка", "Чиллаки", "Қупава", "Уманка", "Краснодар-99", "Пал-Пич" каби тевзишар ва серхосил навлари парвариштирилиши белгилаб олинган. Ҳозирги асосий иш — қулай келган об-ҳаводан фойдаланиб, экин-тикин ишларини тугаллаш.

Тўғриси, экин-тикин ишларининг суръати об-ҳаво қандай келишига ҳам боғлиқ, — сўзидан давом этади Ш.Хусайнов. — Шурқки, бу йилги об-ҳаво ёмонмас. Шунинг учун ганимат саналган кунларнинг ҳар дамидан унумли фойдаланишга, уруғ қандаш ишларини имкон қадар барвақт қўйишга ҳаракат қилияпти. Қарорда кўрсатилганидек, юмушни сугориладиган ерларда 20 октябргача, лалми ерларда эса 15 ноябргача тугаллашни мўлжаллаб турибми.

Эътиборни ишининг нанки салмоғига, унинг сифатига ҳам қаратилми. Яъни тўлиқ гектарлар ҳосил қилиниб, шўрланган ерлар ювляпти. Қолаверса, вазирлик мутахассислари олимлар билан бамавсаҳат ҳар бир минтақанинг ерлик шариотидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланган агротехнологик комплекс тизими ишлаб чиқилди. Шу асосдаги йўриқномалар эса барча вилоятларга етказилди. Мутахассисларнинг илмий хулосаларига

Ироқда вазият оғир

Бағдод марказида содир этилган муҳиж қўпурвчилик қурбонлари сони 150 кишини ташкил этмоқда.

Reuters ахборот агентлигининг хабар қилишича, қўпурвчиликни "Ал-Қоида" террор ташкилоти ўз зиммасига олган.

Иш топиш мақсадида Бағдод марказий қўчаларида йиғилган одамлар устига босиб келган минаяштрилган автомобил террорчи томонидан ҳаракатга келтирилган. Шунингдек, Бағдоднинг яна иккита жойида портлашлар амалга оширилган. Охириги кунларда Ироқда содир бўлаётган бу каби ҳунрезликларнинг ортиб бориши ҳукуматни жиддий чораларни амалга оширишга ундамоқда.

Импичмент хавф солмоқда

Украина президенти Виктор Юшенкога импичмент хавф солиши мумкин.

"Интернет-репортёр" тармоқ газетаси хабарига қара, россиялик олигарх Борис Березовский Украинада бўлиб ўтган президентлик сайлов компанияларини молиявий таъминлаган. "Интернет-репортёр" Юшенкога таллуқли компания ҳисоб рақамига Березовский томонидан ўтказилган 15 миллион доллар микдордаги ҳисоб-тўлов қозғи нусхасини ҳам ўқувчиларга намойиш этган.

Социал-демократлар партияси лидери Леонид Кравчук агар президент Юшенко ва унинг атрофидигилар икки ҳафта ичидан тушунтиришлар бермаса парламент томонидан махсус комиссия тўзилиши ва импичмент эълон қилишини айтиди.

БМТ саммити иш бошлади

Нью-Йоркда БМТнинг ташкил топганига 60 йил тўлиши ва ташкилотнинг Бош ассамблеяси йиғини доирасида "Саммит-2005" уч кунлик анжумани иш бошлади.

Анжуманда 150 дан зиёд давлат раҳбарлари иштирок этмоқда. Йиғиннинг асосий масалаларидан бири ташкилотни ислоҳ қилишдир. БМТ Бош қотиби саммитни очиб эълон қилар экан, бундай мураккаб ишда катнашчиларга сабр-тоқат ва шижоат тиллади.

Саммитда инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи янги халқаро ташкилот ташкил этиш, халқаро терроризмга қарши курашиш ва Ироқ, Яқин Шарқ масалалари кўриб чиқилди.

Пиночет маҳкаматга тортилади

Чили Олий суди мамлакатнинг собиқ раҳбари генерал Августо Пиночетга нисбатан эълон қилинган дахлсизлик имунитетини бекор қилди.

89 ёшли Пиночет 119 нафар сиёсий маҳбусларни ўлдиришда алоқадорликда айбланмоқда. Шунингдек, собиқ раҳбар 15 нафар фалоларни йўқ қилишда тўғридан-тўғри айбланадиган бўлди.

Августо Пиночет бундан аввалроқ "Кондор" иши ва давлат маблағини ўзлаштириш айбловларидан холи этилган эди.

"Офелия" АҚШ қирғоқларида

"Офелия" довули АҚШ қирғоқларига етиб келди. Миллий гидрометеорология хизмати вабарларига қара, "Офелия" айни дамда Вилмингтон (Шимоллий Каролина штати)нинг жанубий-шарқидан 64 километр узоқликда.

Довул соатига 30 километр тезликка ҳаракат қилмоқда. Штатнинг Саутпорт шаҳридан эсаётган шамолнинг тезлиги 100 км/соатга етган.

Мутахассислар фикрича, довул оқибатида қирғоқларга 3,5 метр баландликдаги сув тўқилари келиб урилади. "Катрина" офатидан тахликага тушган Жанубий-Шимоллий Каролина, Виржиния штати аҳли ҳозирданок зарур чора-тадбирларни қўллашмоқда.

Қуёшнинг бори яқши-да

Алп тоғлари ёнбағрида жойлашган Италиянинг Виганелли шаҳарчаси аҳолиси "Биз томонлардан ҳам қуёш чиқадиган кун бор экан" дея хурсанд бўлишмоқда.

197 нафар аҳолига эга Виганелли йилнинг маълум вақтида қуёш тафтидан баҳраманд бўлмади. Ноябрь ойидан феврал ойигача бу аҳоли пункти зулмат ичида қолади.

Виганелли мэри Пьерфранко Мидали ажойиб фикрга келди. Унинг лойиҳасига қара, тоғнинг тепасига электр двигател билан ҳаракатландирилган улкан кўзга ўрнатилди. Кўзгудан узатиладиган "қуёш" дан эса виганелликлар баҳраманд бўлишавери.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ

ОАО «ELXOLDING».

Порядковый номер сообщения - 09.

Решения внеочередного общего собрания акционеров ОАО «ELXOLDING»

Почтовый адрес общества: Республика Узбекистан, г.Самарканд, ул.У.Юсупова 2. Место проведения собрания: Республика Узбекистан, г.Самарканд, ул.У.Юсупова 2. Форма проведения общего собрания - очная. Дата проведения общего собрания - 5 сентября 2005г.. Дата составления протокола - 15 сентября 2005г.. Присутствовали акционеры ОАО «ELXOLDING»: в собрании приняли участие акционеры и их полномочные представители, обладающие в совокупности 2228 083 голосами, что составляет 97,312 % от общего количества размещенных голосующих акций.

ВОПРОСЫ, ПОСТАВЛЕННЫЕ НА ГОЛОСОВАНИЕ И ИТОГИ ГОЛОСОВАНИЯ ПО НИМ:

- О пере выборах членов наблюдательного совета ОАО «ELXOLDING».**
ЗА - 2228083 голосов или 100 % голосов акционеров принимавших участие в голосовании.
- Об утверждении крупных сделок и сделок, в которых имеется заинтересованность.**
ЗА - 2228 083 голосов или 100 % голосов акционеров принимавших участие в голосовании.
- Об использовании нераспределенной прибыли ОАО «ELXOLDING».**
ЗА - 2228 083 голосов или 100 % голосов акционеров

ПОЛНЫЕ ФОРМУЛИРОВКИ РЕШЕНИЙ, ПРИНЯТЫХ ОБЩИМ СОБРАНИЕМ

- Избрать наблюдательный совет ОАО «ELXOLDING» в следующем составе: Сатторов Р.Т., Ким Е.Л., Чориев Р.К..
- Утвердить крупные сделки и сделки, в которых имеется заинтересованность, совершенные Наблюдательным советом и Правлением ОАО «ELXOLDING» в соответствии с протоколами заседаний Наблюдательного совета ОАО «ELXOLDING» № 23-05 от 30 июля 2005г., № 24-05 от 1 августа 2005г., № 25-05 от 2 августа 2005г., № 26-05 от 3 августа 2005г., № 29-05 от 6 августа 2005г. на общую сумму 2588636 000 (два миллиарда пятьсот восемьдесят восемь миллионов шестьсот тридцать шесть тысяч) сум.
- Направить всю нераспределенную прибыль ОАО «ELXOLDING» по итогам 2004г. и часть чистой прибыли 2005г. в "Фонд научно-технического развития и материального поощрения ОАО «ELXOLDING», в объеме достаточном для приобретения 98,89% акций ОАО «КИНАП» и инвестиций в ОАО «КИНАП». Совершение сделки по приобретению 98,89% акций ОАО «КИНАП» и инвестициям в ОАО «КИНАП» поручить Правлению ОАО «ELXOLDING».

Товар сертифицирован

"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Россия ва Украина заводларидан ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобиллари ҳамда қишлоқ хўжалиқ (галла ўриш комбайни, тракторлар Т-150, МТЗ, МХ-135, ТТЗ) шиналарини тақриф қилади

Пул ўтказиш йули билан галла ва пахтанинг 23210, 23220 траншларини ҳам қабул қилади.

Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кў., 26-уй
Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 103 7234, 158 8575.

Давлат-тижорат Халқ банки хизмат турларидан фойдаланаётган жисмоний шахслар ва хўжалиқ субъектлари

ДИҚҚАТИГА!

Халқ банкига ишонч билдириб омонат ҳисобварақларини очган ва ҳамкорлик қилаётган барча мижозларга самимий миннатдорчилик ихзор этган ҳолда кўйдагиларни маълум қиламиз:

Халқ банки муассасаларида омонатчилар олдидики мажбуриятларни бажармаслик, мижозларни депозит ҳисобрақамларидан ҳамда пенсия, нафақа, иш хақи ва унга тенглаштирилган барча тўловларни нақд пулда узлуксиз бериб борилишини таъминлашдаги қонун бўзилми ҳолатларини олдинчи олиш мақсадида барча эътирозларни қуйдаги "Ишонч телефонлари" орқали хабар беришингизни сўраймиз.

"ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ"

банкнинг Бош офисидан ва барча ҳудудий филиалларида ташкил этилган.

Бош банкда	(8-371) 173-89-44; 173-69-18; 78-28-88
Қорақалпоғистон Республикасида	(3612) 24-16-54 (37422) 2-16-52; 2-16-49
Андижон вилоятида	(36522) 3-74-14
Бухоро вилоятида	(37222) 6-39-22
Жиззах вилоятида	(37522) 1-11-12
Кашқадарё вилоятида	(43653) 2-01-85
Навоий вилоятида	(36922) 6-30-72
Самарқанд вилоятида	(3662) 34-37-99
Сурхондарё вилоятида	(37622) 2-76-75
Сирдарё вилоятида	(3672) 25-28-82
Тошкент вилоятида	173-95-02; 78-97-90
Фаргона вилоятида	(37322) 4-57-59; 4-59-24
Хоразм вилоятида	(36222) 6-57-14
Тошкент шаҳрида	45-35-43

Банк фахрлига путур етказиб хизмат вазифасини суиестемол қилаётган ходимларга нисбатан қатъий чоралар қўрилади.

ПРОДАЖА АВТОМОБИЛЕЙ "ГАЗ"

GAZ-2705	GAZ-2705-KOMBI	GAZ-3221	GAZ-3302	GAZ-33023
GAZ-3102	GAZ-31105	GAZ-3307(09)		

ГРУЗОВЫЕ, ГРУЗОПАССАЖИРСКИЕ, ПАССАЖИРСКИЕ - Цельнометаллические и бортовые с тентом. ЛЕГКОВЫЕ, СПЕЦ АВТОМОБИЛИ: ПРОМТОВАРНЫЕ, ИЗОМЕТРИЧЕСКИЕ, ХЛЕБОВОЗ, МУСОРОВОЗ, ПЕРЕВОЗКА ГАЗОВОЗОВ, ЭВАКУАТОРЫ, СКОРАЯ ПОМОЩЬ и другие на базе ГАЗЕЛЬ, ГАЗ-3307(09)

г. Ташкент, тел/факс 168 0961. E-mail: prima74@mail.ru

Кунлардан бир кун

(Боши 1-бетда)

Етимтоғ Жиззахдан унча узоқ эмас. Апрель-май ойларида турли хил ўт-ўланлар, гулу гуналарнинг хиди одамни маст қиладиган даражада уфуриб туради. Табиатнинг мана шу хусну тароватига монанд Озод ака билан бўлган ўша дилқаш, гўзал суҳбатни ҳамон оразиб эслайман.

Ушанда Озод аканинг ҳазил-мутойиба, самимий ҳазил билан йўрилган маънодор гаплари гўё ўқоқда ёнаётган оловни янада аланга олдирётгандай эди.

Суҳбат орасида ўтирганлар Озод акага бўлган юксак эҳтиромини заъ-шаъқ билан лутф этардилар. Шунда Шахобиддин ака:

“Озод ака! Бошқаларни билмайман-ку, лекин мен Сизни “ёзувчиларнинг ГАИси” деб биламан. Чунки ёзувчилар ёмон китоб ёзиб қўйиб, Сизга рўпара бўлишдан қўрқади, - деди ўзининг гапидан ўзи наша қилгандай заъқ билан қулиб. Шахобиддин аканинг бу гапидан даврасада қулиб юборди. (У пайтда хозирги ДАН ходимларини “ГАИ” дейишарди.) Домла унга нимтабассум билан тикилиб:

“Сиз ҳам қондан бузавериб, ГАЙларнинг қаҳрига учраган ҳайдовчиларданмиСиз, - деб гапни ҳазилга буриб юборди.

Тарозингиз бузуқ экан

Бир кун маршуткада кетаётганда, таниш бўлиб қолган ҳайдовчи Жаҳонгир:

—Ака, сиз домласиз-а? — деб қолди.

—Ха. Нимайди? — дедим саволга савол билан.

—Тошкентдаги Озод Шарофиддинов деган домлани танийсизми? — деди тўсатдан.

—Биламан. Сиз домлани қаёқдан танийсиз? — дедим қизиқиб.

Жаҳонгир бироз ҳаялга чўмгандай, чақмоқдай ўткир кўзларини қисиб, узоқларга тикилди-да:

—Пахтакор туманида қудамиз Шодмонкул ака Жўраев деган киши яшайди. Ўзи ҳам жуда валламат одам-да. Кўпни қўрган, суҳбатни ширин одам. Озод Шарофиддиновга ўхшаш инсонларни излаб топиб бўлса ҳам суҳбатини олишга ишқибоз.

Уша киши бир кун Озод аканинг Пахтакор туманига келганини эшитибди, дарров излаб борибди, бир пивла чойга таклиф этибди. Озод Шарофиддинов канчалик узр сураб, вақти экинчи йилга келибди. Шодмонкул ака кўярдан-қўймай, бир пивла чой баҳона домланинг дилқаш суҳбатидан баҳраманд бўлишга эришибди. Суҳбат қизгин бир паллага етганида, мезбон ўзининг Озод акага ихлосини, гоёйбона муҳлис-лигини изҳор этиш учун:

—Озод ака! Кўпчилик ёзувчиларни тарозининг бир палласига, Сизни иккинчи палласига қўйса, шунда ҳам Сиз палла-ни босиб кетасиз. — деди ишонч билан. Шунда Озод Шарофиддинов ҳеч ўйланб-нетиб ўтирмай:

—Тарозингиз бузуқ экан. Уни тўзатиб олинг, - деди Шодмонкул акага мулойим қараб.

Хозиржавоблик ва ниҳоятда мантқиқ сўз ўйини билан суҳбатдошини қойил қолдирган домлани у хозиргача эхтиром ва қувонч билан эслайди.

“Адабиётимизнинг Белинскизинг”

Талабалик орузи билан 1960 йили ТошДўга ҳужжат топшириш учун борган эдик. Университетнинг қабул комиссияси олдига юзлаб ҳужжат топширувчилар навбат рўйхатига ёзилиб, сабрсизлик билан эшик олдига қутиб туришарди. Қўлларга қизил латта боғлаб олган тартиб сакловчи навбатчилардан (улар асосан юқори курс талабаларидан экан) бири шоша-пиша биларга:

—Қани йўлни бўшатинлар. Хали сизларга навбат узоқ. Эшикнинг олдини тўсмасдан нарироқ туришлар, - деб бирдан тараддуланиб қолди. Ҳужжат топшириш учун шай бўлиб турган бир йил:

—Хозир менинг навбатим. Ҳеч қаёққа кетмайман. Бугун учинчи кун турибман, - деди ўжарлик билан норози бир оҳангда. Шунда ҳалиги навбатчи йилги жиғибирор бўлиб:

—Эй бола, йўлни тўса. Озод Шарофиддинов келаяпти. Кириб кетсан, кейин туравер, - деди безовталаниб. Навбат кутавериб тоқати тоқ бўлган бола ҳам бўш келмай:

—Ким у? — деди кўшга қўлини сонбон қилганча.

—Озод Шарофиддиновми? Адабиётимизнинг Белинскийси, тушундингми? Эҳ, думбўл, - бироз жаҳл аралаш гурур билан жавоб берди навбатчи йилги.

Хамма йўлдаки салмоқ билан қадам ташлаб келаётган барваста, тик бўлиб, нури юзлари қўш тафтидан сал қизариб, янада жозибали киефага кирган кишига қараб қолди. Озод Шарофиддинов эшикка яқин келмасдан туриб, эшикни тўсиб турган гўж йилги-қизлар билан орқасга чекинди. У ўн-ўн беш қадам нарида савлат тўкиб турган бир киши билан гаплашиб турди. Биз навбат кутувчилар ҳаммамиз “адабиётимизнинг Белинскийси”га ҳайрат билан тикилиб турардик.

Энди навбатимизни эмас, Озод Шарофиддиновнинг тезроқ, бизнинг шундай ёнгинамасдан ўтишини, у кишини янада яқинроқдан қўриб қолишни интиқлик билан кутардик.

Кодир ПИРМАТОВ, Жиззах шахри

(Боши 1-бетда)

Хавтнинг тубдан ўзгарди. Тилингни эҳтиёт қил, келини авайла. Қулоғингни эҳтиёт қил, эшитган яхши-ёмон гапларга ишониб, гал-вага қолмавган. Қўзингни эҳтиёт қил, келиннинг кам-чиликларини излама. Энди ўз уйингда меҳмондексан. Уйингнинг ўз ағаси келди. Бағрикенг бўлгинки, номинг яхши бўлиб чиксин.

...Янги турмуш қурган пайтларим ҳамон ёдимда. Уйга меҳмон бўлиб борсам, онам ял-ял ёниб кетарди. Жиянларим, келинойиларим атрофимда парвона. Лекин онагинам ўзи елиб-югуриб тансиқ таомлар пишириб, атрофимда гириттон бўларди. Аммо бу ҳол узоққа чўзилмасди. Кун оғмай туриб, йўлга отланишимни талаб қилар эди.

Бундан 15 йил олдин то-бим қочиб, касалхонага тушдим. Тонг бўзармай етиб борган онамга шифокорлар лимон кераклигини айтишибди. Март ойи эди чамамда. Онам Бекобод бозоридан 3 кило лимон кўтариб келибди. Шифокор кўриб, бир дона керак эди, деди.

Бундан 7-8 йиллар олдинги воқеа ҳам кўз ўнгимда. Ўғлим билан касалхонага тушиб қолдик. Қаҳратон киши. Онам сахарлаб, иссиқ овқат

олиб, етиб келибди. Киш, ер сирпанчқ эмасми, касалхона олдига йиқилиб, овқатни тўкиб қўйибди. Беозоргинам шундай киравермасдан, уйга аммамгина тирик қолгани учун уларни кескайганда ҳам еру-қўкка ишонмасди. Лекин ҳаёт бешафқат. Отам 53 ёшида бешафқат вафот этиб, биз



қайтиб, худди ўша овқатдан пишириб, қайтиб келибди. Кекса буюм бўларди. Шунчалар оқила, покдомон. 13 фарзанд кўриб, ёлғиз отам ва

— Ўзингни тут. Ўлганнинг ортидан ўлиб бўлмайди. Сенга қўйин бўлади, начора. Болаларингни эҳтиёт қилгин, болам. Яхшига ғам тушса, ўзини тўзайди, ёмонга ғам тушса, оламни бузади, деганлар.

Хаммадан менга керагима, вох, болама...

Секин онами уйотмоқчи бўлдим, онам уйғоқ экан:

— Ёт қизим, энанг бизни авайлаб кечаси йилгайди. Отангнинг вафотидан бери

ди. “Ўғлимнинг ёлғизлигини билдирмадим. Ҳам она, ҳам ота бўлдим. Ака бўлиб, ука бўлиб йўқладим. Энди дийдор қиёматга қолди. Сизлар ҳам рози бўлинглар”, шундай дея беозоргина жон берди-қўйди. Эрталаб йил ошига келганлар энангнинг таъзияси ҳам ўтказдилар.

Менинг пир-бадавлат онажоним ҳозир 80 ёши қоралаб қолди. Бағрикенг, истараси иссиқ, меҳри жаҳон онагинам 8 нафар фарзандни тарбиялаб, ўқитиб, воёга етказди. Ҳозир 30 нафар неваро, 10 дан ортқ чеваранинг севимли бувиси. Меҳмон бўлиб бориб қолса, теримга сиймаги кетаман.

— Сени соғиниб, кўргим келиб, қандай келганими билмай ҳам қолдим, болам, - дейди хар сафар.

Қаёқда, ҳадемай ортидан акам, келинойим, жиянларим бориб, олиб кетишади. Сиз-сиз ҳовлилар ҳувиллаб қолди-я, дейди келинойим зорланиб.

Майли, онажон! Уйингизга бораверинг. Мен жуда яхши биламан:

— Мени ҳам ким соғинмайди онамдайин...

Санобар УСМОНОВА, Бобўт туманидаги 38-мактаб ўқитувчиси

Мени ҳеч ким соғинмайди, онамдайин...

Ўзи ҳам сочларини юлмади, юзларини тилмади. Бир кун ногаҳон ярим тунда уйғониб кетдим, қулоғимга йиғи овози келди. Овоз энангнинг ётоқхонасидан эшитиларди:

— Ховлимдаги гилосима, вох, болама

Ун уч боладан қолган меросима, вох, болама.

Богимдаги терагим, вох, болама,

хар тун шу ахвол. Майли, йиллаб кўнгилларини бўшатиб олсин, ҳалақит берма, - деди кўзлари тўла ёш билан.

“Энангга жуда оғир”, дер эди хар гапларида.

Отангнинг йил оши кунини узоқ-яқин қариндошларга хабар кетган. Энам ҳамма нарсига ўзи бош бўлиб юрди.

Кечга бориб эса ювиниб, тараниб, азадорлик либосларини ечмоқчи эканлигини айт-

“Шарқ назми” кўргазмаси

14 сентябр куни пойтахтимиздаги Давлат санъат музейида “Шарқ назми” номли кўргазма очилди.

Кўргазмада музейда сақланаётган ўтган асрнинг 20-30 йилларига оид авангард йўналишда яратилган тасвирий санъат асарлари намойиш қилинган. Уша даврда бў йўналишда ижод қилган А.Волков, А.Николаев, (Уста Мўмин), О.Татевосян, У.Тансиқбоев, В.Уфимцев, М.Курзин, Н.Қарахан каби рассомларнинг оддий одамлар ҳаёти, юрт ман-

заралари акс этган асарлари томошабинда катта қизиқши уйғотди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Давлат санъат музейи директори Насиба Иброҳимова яқинда қайта таъмирланган бу суратлар муҳлислар ҳужмига хали илк бор

ҳавола этилаётганини таъкидлади. Тасвирий санъат ихлосмандлари бир неча ой давомида “Шарқ назми”дан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Д.МАТКАРИМОВА



МДХда учинчи!

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси - ФИФА дунёдаги мамлакатлар терма жамоаларининг янги рейтинг жадалини эълон қилди.

ФИФА рейтингининг энг юқори поғонасини ҳамон беш карра жаҳон чемпиони -



Бразилия терма жамоаси эгallaб турибди. Бразилияликлар ҳисобида 839 очко бор. Жаҳон чемпионатининг саралаш босқичида муваффақиятли иштирок этаётган Голландия терма жамоаси 785 очко жағмаиб, иккинчи поғонага кўтарилиб олди. Шунингдек, 778 очкога эга Аргентина терма жамоаси ҳам кучли учликдан жой олган.

2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионатининг финал қисмига чиқиш учун курашни давом эттираватган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 57-ўринга кўтарилди. Ўтган рейтингда 62-поғонада қайт этилган мамлакатимизнинг беш жамоаси ўз ҳисобига 10 очко қўшишга муваффақ бўлди. Ҳозирча, 571 очко тўплаган Ўзбекистон миллий терма жамоаси МДХ давлатлари орасида Россия ва Украина вакилларидан сўнг учинчи ўринда.

ФИФА рейтингда терма жамоамизнинг Осиёдаги мамлакатлари ҳам ошмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон терма жамоаси қитъада Япония, Эрон, Жанубий Корея, Саудия Арабистони ва Баҳрайндан сўнг олтинчи поғонада қайт этилган.

Ибрагим — иккинчи, Шавкат...

Москвдаги икки карра Олимпиада чемпиони Иван Яригин номли кураш саройида тўртинчи бор самбо бўйича халқаро турнир ўтказилди.

Россия президенти маслаҳатчиси Асламбек Аслаханов соврини учун ташкиллаштирилган мазкур мусобақада МДХ ва унинг атрофидаги 17 давлатдан самбо усталари иштирок этди.

Мусобаканинг биринчи куниди 62 килограмм вази тоифасида курашга киришган ватандошимиз Ибрагим Алиев фақатгина финалда мезбонлар вакили Виталий Сергеевга имкониятни бой бериб, иккинчи ўрин билан чеklangди. Учинчи ўринни Арманистон вакили Давид Хачатрян қўлга киритди.

52 килограммлик самбочилар баҳсида эса спортчимиз Шавкат Жўраев учинчи ўринга эгалик қилди. Бу вазида биринчи ва иккинчи ўринлар россиялик Алексей Егоров ва Андрей Курлиқларга насиб этди.

Кучлилар галаба қозонди

Чоршанба куни Европа Чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг биринчи тур учрашувлари давом эттирилди.

Шу кун “А”, “В”, “С” ва “D” гуруҳидан ўрин олган жамоалар ўзаро бир-бирларига қарши тўп сурди.

Деярли учрашуларда қутилмаган натижалар қайд этилмади ва рақибига нисбатан кучлилар сифатида эътироф этилган жамоалар галаба қозонди.

“А” гуруҳи: “Брюгге” - “Ювентус” 1:2; “Репид” - “Бавария” 0:1

Венанинг “Репид” клуби анча номдор саналган “Бавария”га қарши муносиб баҳс олиб борди. Лекин Чемпионлар лигасида анчадан бун иштирок этиб, катта тажрибага эга бўлган Германия жамоаси гарчи кичик ҳисобда бўлса-да, галаба қозона олди. (1:0)

“В” гуруҳи: Бу гуруҳдан жой олган “Тун” “Арсенал”га етарлича ташвиш тугдир олди. Лекин таркиб жиҳатдан анча номдор ўйинчиларни жаллаган Арсен Венгер етакчилигидаги Лондон жамоаси 2:1 ҳисобида галаба қозона олди, “Спарта” ва “Аякс” ўйини 1:1 ҳисоби билан яқунланди.



“С” гуруҳи: Ушбу гуруҳдаги Италиянинг “Удинезе” клуби биринчи турда ҳақиқий шов-шувили натижага қайт эди. Ўз майдонидан қабул қилган италиялик футболчилар 3:0 ҳисобида галаба қозонди. “Вердер” “Барселона” ўйинида қутилганидек каталониялик футболчилар галаба қозондиши - 0:2.

“D” гуруҳи: “Вильярреал” ўз майдонида “Манчестер Юнайтед” билан дуранг (0:0) ўйнаган бўлса, “Бенфика” - “Лилл”ни 1:0 ҳисобида доғда қолдирди.

Халқаро турнир

Догистон пойтахти Махачкалада боксчи Могомед-Салам Умаховни хотира-сига бағишланган хотира турнири ўтказилди.

Унда мураббийлар Уйғун Сиддиқов ва Мурод Эргашев етакчилигидаги 11 нафар боксчилар Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишди.

Бу мусобақадаги чарм қўлқоп усталаримизнинг кўрсатган натижаларини олдинги халқаро ареналардаги қўлга киритилган ютуқларга солиштирсак, бу сафар анча имкониятдан паст натижага қайт этилди. Биргина боксчимиз Фозил Файзиев иккинчи ўринни қўлга киритган бўлса, қолган 10 нафари ҳатто ярим финалгача ҳам етиб келолмади.

Фазилдин АБИЛОВ тайёрлади.

Диққат!

Базальт толали иссиқликдан ҳимоя воситаси.

Кўллаш соҳалари:

- Балаанд қаватли уйлар томини ёпишда,
- ташқи ва ички деворларга ишлов беришда, қаватлар ўртасидаги тўшамаларда,
- ҳаммом ва сауналарда,
- сув қувурларини ҳимоялашда
- ишлатиш мумкин.

Узоқ чидамлилиги, табиий таъсирларга берилмаслиги, экологик зарарсизлиги, шовқин ўтказмаслиги билан ажралиб туради

Базальт вага. Рулонли ўрамалар. Юмшоқ тўшама.

Тел: (998-71) 118-84-90.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

автомобиллар ва кишлоқ ҳўжалиги техникаси учун куйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

ШИНАЛАРНИ comagu:

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОФИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, КИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Тел: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.

Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:

Наманган ш., Дусллик шўққучаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
 Андижон ш., Мирпўстин к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
 Данғара ш., Тошкент к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
 Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

Тошкент шахар Юнусобод тумани ИИБ томонидан “MERIDA-SERVIS” МЧЖга берилган бурчак тамғиси - штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утераний патент на право торговли №0415669, выданный 29 июля 2003 года на имя Турсунова Шухрата Саидовича (Мирзо Улугбекский район г.Ташкент) считать недействительным.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ	ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Агитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУХАММАД.	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агростанот комплекси тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазириликлар ва идоралар	ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87	ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ: Коракалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фаргона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.	Реклама ва эълонлар матни учун буюртмаччи жавобгар ① - тижорат мақола	МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	Навбатчи: А.КАРИМОВ Саҳифаловчилар: Р.ЕДГОРОВ, А.САРОНОВ Мусахҳих: М. БЕКИЕВ
--	--	--	--	---	--	---	--